



Бухоро —

ИСЛОМ ОЛАМИ МАДАНИЯТИ ПОЙТАХТИ

Ўзбекистондаги Ислom цивилизацияси маркази, Бухоро давлат университети, Ўзбекистон халқаро ислom академияси, Ўзбекистон Маданият вазирилик, Бухоро вилояти ҳокимлиги, Ислom ҳамкорлик Ташкилотининг ICESCO ва IRCICA ташкиотлари ҳамкорлигида “Бухоронинг Ислom цивилизациясига қўшган ҳиссаси ва ундаги ўрни” мавзусида халқаро илмий-амалий онлайн видеоконференция ташкил этилди. Видео конференция Қуръони Карим тиловати билан бошланди.



"Қонун борми ўзи?"

Фан, маданият ва таълим масалалари ислom ташкилоти ICESCO Бош директори Салим Муҳаммад ал-Малик Бухоро Ўрта асрларда илм ва маърифат маркази, айниқса, ислom дини, ислom илмлари ривож топган “Ислom гумбази” номига мушарраф бўлгани ва ҳақли равишда ICESCO “Бухорони 2020 йилда Ислom олами маданияти пойтахти” деб эълон қилганини таъкидлади.

Халқаро ташкилот раҳбари Самарқанддаги Имом Бухорий Халқаро илмий-тадқиқот марказида ICESCO нинг Қўлэмалар бўйича минтақавий марказини, ICESCO раҳнамолигида Марокаш қироллигининг Фес шаҳридаги Сайид Муҳаммад бин Абдулло Университетида Имом Ал-Бухорий Академик тадқиқотлар кафедрасини ташкил этиш, Бухоро ва Ўзбекистондаги 50 та тарихий ёдгорлик ва қадамжоларни Ислom олами мероси рўйхатига киритиш, Ўзбекистондан етишиб чиққан алломалар ва уларнинг Цивилизацияга қўшган ҳиссаси бўйича китоб нашр қилиш (араб, ўзбек, рус тилларида); Бухоро шаҳридаги энг яхши маданий лойиҳа учун ICESCO мукофотини тақдим қилиш бўйича таклифлар киритди.

Видео тадбирда сўзга чиққан Ислom маданияти ва тарихини тадқиқ қилиш халқаро маркази директори Холид Эрен ўтказилаётган тадбир мураккаб шароитда амалга ошаётганига қарамай иштирокчиларнинг сони ва даражаси Бухорога, Ўзбекистон диёрига нисбатан бўлган ҳурмат ва эътибордан дарак беришини таъкидлади. У ИРСИКА билан Ўзбекистон ўртасида илмий-маърифий меросни ҳамкорликда ўрганиш, сақлаш ва тарғиб қилиш соҳаларида амалга оширилаётган ҳамкорликдан мамнун эканини билдирди.

Тадбирда БАА, Туркия, Миср, Тунис, Жазоир, Марокаш, Бразилия, Альбания, Қирғизистон, Россия Федерацияси, Нидерландия, Швеция, Туркия, Миср, Ҳиндистон, Қозоғистон маданият вазириликлари, ислom тадқиқотлари марказлари раҳбарлари ва етакчи олимлар, Ўзбекистоннинг етакчи илмий муассасалари олимлари Бухоро ва унинг шавкатли тарихи тўғрисида қизиқарли маърузалар қилдилар.

Халқаро конференция ялпи ва шўъба йиғилишларида иштирок этган хорижий иштироклар ўз чиқишлари ва маърузаларида Бухоро ва умуман ҳозирги Ўзбекистон заминидан етишиб чиққан буюк уламоларнинг Ислom цивилизацияси ва дунё тамаддунига қўшган улкан ҳиссаларини эътироф этдилар. Улар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан тарихий меросни асраш, диний ва миллий қадриятларни тиклаш, илм-маърифат ривожини, миллатлараро ва динлараро тотувлик ҳамда ёш авлод тарбияси каби энг долзарб соҳаларда олиб борилаётган сиёсатга юқори баҳо бердилар.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, видео конференцияни тўхтовсиз техник алоқаси ва 5 тилга таржима жараёни ўзбек мутахассислари, ёшлари томонидан аъло даражада таъминланди. Барча иштирокчиларга шаҳодатномалар тақдим қилинди.

Шоазим МИНОВАРОВ,
Ислom цивилизацияси маркази
директори

Миллат иқболи



Фарзандлар камолда

ҚИСҚА
САТРАЛДАРДА
ЎҚИНГ!

Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш бўйича республика кенгаши ташкил этилди.

“Ногиронлиги бўлган” дегани касал дегани эмас!

Туғма хасталик ёки ҳаёт давомида орттирилган бирор оғир касаллик ва фавқуллодда ҳолатлар боис меҳнат қобилиятини йўқотган инсон ўзи айтмаса-да, ўзгаларнинг доимий кўмаги, эътиборига муҳтож бўлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида атрофлича муҳокама қилинган Ўзбекистон Республикасининг “Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги қонун лойиҳаси мамлакатимизда аҳолининг ушбу қатлами манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, кексалар, пенсионерлар, ногиронлиги бўлган болалар ва катталарга тиббий-ижтимоий ёрдамнинг барқарор тизимини яратишга қаратилган десак, муболага бўлмайди.

Айтиш керакки, «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги янги таҳрирдаги қонун қабул қилинганига ўн тўрт йил бўлди. Мазкур ҳужжатда ногиронликка, асосан, тиббий тушунча сифатида ёндашилиб, бундай инсонларнинг жамиятга фаол интеграциялашувини таъминлаш борасида ҳуқуқий

асослар етарли даражада акс эттирилмаган эди. Яъни, уларга касал сифатида қаралган. Вақт ўтиши билан соҳага янги ёндашувлар кириб келмоқда. Масалан, БМТнинг ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясига мувофиқ, «ногирон» сўзи ўрнига «ногиронлиги бўлган шахс» атамаси татбиқ этилди. Бундан мақсад ногиронлиги бўлган шахсларнинг муносиб турмуш кечириши, жамият ҳаётида фаол иштирок этиши, ўз салоҳиятини намоён этиши учун зарур шароит яратишдир.

Шу муносабат билан халқаро таомиллар ва миллий қонунчилик тажрибамиздан келиб чиқиб, ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоялаш бўйича янги қонун лойиҳаси ишлаб чиқиш ва қабул қилиш зарурати юзага келди. «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқла-

ри тўғрисида»ги янги қонун лойиҳасида ана шундай устувор вазифалар ўз ифодасини

топган. Лойиҳада ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқларини муҳофазалаш соҳасида замонавий услублар, халқаро стандартларни жорий этиш масалаларига ҳам устувор эътибор қаратилмоқда.

Лойиҳанинг аҳамиятга молик бир жиҳати ўндан зиёд моддаларда ногиронлиги бўлган шахсларнинг оилага ва оила муҳитига бўлган ҳуқуқи, шахсий ҳаётнинг дахлсизлиги ҳуқуқи, уй-жойга бўлган ҳуқуқи каби бир қатор ҳуқуқлари аниқ нормаларда белгиланмоқда. Бу ҳам шу кунгача баҳсли ёки бўлмаса, очик қолган барча масалаларга ойдинлик киритади.

Масалага ЎзЛиДеП электорати нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, қонун лойиҳасида қайси тадбиркорлик субъектининг тушуми умумий ҳажмининг камида ўттиз фоизи ногиронлиги бўлган шахслар учун протез-ортопедия буюмларини ва реабилитация қилишнинг техник воситаларини ишлаб чиқаришдан, шунингдек, уларга ортопедик протезлаш хизматлари кўрсатишдан, протез-ортопедия буюмларини ва реабилитация қилишнинг техник

воситаларини таъмирлаш ҳамда хизмат кўрсатишдан келиб тушган бўлса, ўша тадбиркорлик субъекти маълум имтиёзлар ва преференцияларни олиш ҳуқуқига эга эканлиги алоҳида кўрсатилган.

Хусусан, ўзига тақдим этилган таклифлар танлов савдоларининг бошқа иштирокчилари таклифлари билан тенг бўлганда харидор томонидан инвестиция мажбуриятларини ва ижтимоий мажбуриятларни қабул қилиш шарти билан давлат мулки ҳажмларини сотиб олишнинг «ноль» қиймати бўйича реализация қилиш юзасидан ўтказилган танлов савдолари натижаларига кўра, контракт тузишга доир устунлик ҳамда давлат мулки объекти учун ушбу объектнинг ижара ҳақи ставкаси энг кам миқдорининг эллик фоизи миқдоридан ижара ҳақи тўлаш шулар жумласидан.

Бир сўз билан айтганда, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши ва ҳаётга татбиқ этилиши жамиятимизнинг тўлақонли аъзоси ҳисобланган ногиронлиги бўлган юртдошларимизнинг ҳаётда эмин-эркин яшаши ва ўз ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланиши учун, жамият ва давлат қурилишида ҳеч қандай тўсиқларсиз, имконияти етганча иштирок этишига хизмат қилади.

Дилбар УСМОНОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати

Депутатлик сўровининг натижадорлиги нимага боғлиқ?

Ислоҳотларнинг бугунги босқичида, шиддат билан ривожланаётган замонда парламент таъсирчанлигининг ошиши ижро ҳокимияти фаолияти самарали йўлга қўйилишида муҳим аҳамият касб этади.

Кейинги йилларда парламент назоратининг янги шакл ва механизмлари яратилди. Жумладан, Қонунчилик палатасида ҳукумат аъзоларининг депутатлар саволларига жавобларини эшитиш тартиби “Ҳукумат соати” институти жорий этилди. Жамоатчилик орасида мунозарага сабаб бўлаётган долзарб муаммолар юзасидан масъул раҳбарларнинг парламентга тушунтириш бериш тартиби жорий қилинди.

Бундан ташқари, 2019 йилдан бошлаб Вазирлар Маҳкамаси аъзоларига номзодларни қўйи палата мажлисида кўриб чиқиш амалиёти йўлга қўйилди. Қонунчилик палатаси кўмиталари ва сиёсий партиялар фракцияларининг назорат-таҳлил ишлари самарадорлиги сезиларли равишда ошди. Шу билан бирга парламент назорати самарадорлигини янада ошириш билан боғлиқ айрим муаммолар ва етарли даражада фойдаланилмаган имкониятлар ҳам мавжуд.

Таҳлиллар парламент назоратининг муҳим шакллари билан — депутатлик сўровини тайёрлаш, юбориш, энг муҳими, унинг натижасини кўриб чиқишда бир қатор муаммолар

юзага келаётганини кўрсатмоқда.

Фикримча, депутатлик сўрови институти ҳозирги пайтда самарасиз ишлаётганининг асосий сабаби қонунчиликдаги бўшлиқ билан боғлиқ. Депутатлик сўровини ишлатиш амалиёти нотўғри йўлга қўйилган.

Депутатлик сўровини самарасиз бўлиб қолаётгани депутатларнинг салоҳиятига тақаладиган масала эмас. Депутат — халқнинг вакили. Ҳамма депутат ҳам ҳуқуқшунос эмас: бири фермер, бири қурувчи, бири тадбиркор, бошқалари яна турли соҳа вакиллари. Яъни, ҳамма депутат ҳам тегишли қонун ҳужжатини тайёрлаш кўникмасига эга бўлмаслиги мумкин ва табиий ҳол. Унинг асосий вазифаси долзарб муаммони кўтариб чиқиш, яъни гоёни бериш, деб ўйлайман. Депутат кўтарган муаммони тегишли шаклга келтириш, юридик нуқтаи назардан кўриб чиқиб, маромига етказишда тизимли ёндашув бўлиши керак.

Қонунчиликка эътибор қаратадиган бўлсак, депутатлик сўрови парламент назорати шакли сифатида белгиланган. Демак, депутатлик сўровининг

тайёрланиши, юборилиши ва натижаси муҳокама қилиниши жараёнига парламентдан чиқадиган ҳужжат сифатида ёндашиш керак.

Маълумки, Қонунчилик палатаси давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига қонунларнинг, турли соҳалардаги давлат дастурларининг ижроси масалалари ҳамда уларнинг ваколатларига кирадиган бошқа муҳим масалалар юзасидан асосланган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён этиш талаби билан парламент сўрови юборишга ҳақли.

Парламент сўровини юбориш ҳақидаги таклиф палата кўмиталари, фракциялар, шунингдек, Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг камида бешдан бир қисми томонидан Қонунчилик палатаси кўриб чиқиши учун киритилади. Қонунчилик палатасининг парламент сўрови тўғрисидаги қарори лойиҳаси сўров ташаббускорлари томонидан Қонунчилик палатасининг Спикерига, масалани, парламент қўйи палатасининг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритиш учун юборилади.

Қонунчилик палатасининг қарори лойиҳасига парламент сўрови лойиҳаси, шунингдек, бошқа зарур материаллар илова қилинади. Парламент сўрови лойиҳасида сўровга жавоб беришнинг шакли (оғзаки ёки ёзма) ҳақидаги таклифлар бў-

лиши керак.

Қонунчилик палатаси парламент сўровини юбориш тўғрисида депутатлар умумий сонининг кўпчилиги овози билан қарор қабул қилади. Давлат органларининг, хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахслари парламент сўровига оғзаки жавобни Қонунчилик палатасининг мажлисида палата белгиланган муддатда беради.

Таклифим — Депутатлик сўровига ҳам худди Парламент сўровига белгиланган батафсил тартибни жорий қилиш, қонунчиликда унинг аниқ механизмини очиб бериш керак.

Бунда депутатлик сўровининг парламент сўровидан фарқи, авваламбор, унинг ташаббускорида бўлади. Яъни, парламент сўровининг ташаббускори кўмиталар, фракциялар бўлса, депутатлик сўровининг ташаббускори депутат бўлади.

Шунингдек, парламент сўровидан фарқли равишда депутатлик сўрови, қоида тариқасида, тегишли сайлов округи сайловчиларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш билан боғлиқ бўлади.

Қолган механизм бир хил бўлиши керак. Бундай ёндашув нима беради?

Биринчидан, депутатлик сўровининг сифати ошади. Чунки, депутатлик сўровини сифатли тайёрлаш учун масъулият фақат депутатнинг бўйнида бўлмайди. Депутат му-

аммони кўтаради, уни шаклан тўғирлаш, чуқур асослаш Қонунчилик палатасининг тегишли бўлим ва кўмиталари иштирокида амалга оширилади.

Иккинчидан, депутатлик сўровининг салмоғи оғирроқ бўлади. Депутатнинг сўрови лойиҳаси Қонунчилик палатаси мажлисида муҳокама қилиниб, депутатлик сўрови сифатида тан олиниб, тегишли хўжалик бошқаруви органларига юборилади. Парламент қарори билан тасдиқланиб борган депутатлик сўровига нисбатан мансабдор шахсларнинг масъулияти кучлироқ бўлади.


Учинчидан, депутатлик сўровининг натижадорлиги ошади. Хўжалик бошқаруви органларининг мансабдор шахслари депутатга эмас, парламентга ахборот тақдим этади, парламент олдида жавобгар бўлади. Ушбу ҳолат, табиийки, мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги кучаяди ва пировард натижада депутатлик сўрови самарадор бўлади.

Албатта, бундай тартибга ўтиш депутатлик сўрови сони камайишига, ялпи мажлисда кўриладиган масалалар кўпайишига олиб келиши мумкин. Лекин сўровнинг сифати, таъсирчанлиги, халқимизга фойдаси сўзсиз ошади.

Улугбек ВАФОЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик
палатаси депутати



Ушбу саҳифа Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг “Фаровон ҳаёт қонун устуворлигида” грант лойиҳаси асосида тайёрланди.



Диний муассасалар, масжидлар 2020 йил 8 июндан фақат «яшил» ҳудудларда фаолиятини бошлади. Хавфсизликни таъминлаш учун ушбу масканларда 5-8 июнь кунлари санитар чоралар кўрилади.

Рақамли иқтисодиёт —

“Шарқ донишмандлари айтганидек, «Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир». Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётий эҳтиёжга айланиши керак. Та-раққиётга эришиш учун рақамли билимлар ва замонавий ахборот технологияларини эгаллашимиз зарур ва шарт. Бу бизга юксалишнинг энг қисқа йўлидан бориш имкониятини беради.” Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга ҳар йилги мурожаатномаси доирасида илмий ва технологик ривожланишнинг муҳимлигига шу тариқа алоҳида урғу беради.

Ҳозирги кунда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши янги технологияларнинг пайдо бўлиши натижасида инновацион ўсиш ва жараёнларнинг ўзгариши туфайли бутун дунёда содир бўлмоқда. Бироқ рақамли иқтисодиёт турли мамлакатлар ва минтақаларда нотекис ривожланмоқда, бу янги имкониятлар ва тўсиқларни келтириб чиқаради.

Иқтисодиётнинг электрон сегментини янада шакллантириш ақлли бошқарувга ўтиш



бўлиб, бунда рақамли технологиялар меҳнатни тежаш, савдо, транспорт ва вақт харажатларини қисқартириш, янги тадбиркорлик маданияти ҳамда рақамли экотизимларни яратишга имкон берадиган сифат жиҳатидан янги харидорни махсуслаштириш, буюртмаларни индивидуаллаштириш, ишлаб чиқариш ва етказиб бериш занжирларини оптималлаштиришни амалга оширади.

Рақамлаштиришга олиб келадиган жараёнлар аста-секин ва илгор технологиялар таъсири остида ўзгариб турадиган, иқтисодиётнинг реал сектори ва жамият эҳтиёжларига мувофиқ шаклландиган, ахборот муҳитининг ажралмас қисмига айланган “рақамли иқтисодиёт” тушунчаси пайдо бўлишидан анча олдин вужудга келганини ҳисобга олиш муҳимдир.

Рақамли иқтисодиётнинг асосий хусусиятларидан бири бу товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш, амалий бизнес моделлари ва менежментдаги ўзгариш тезлигидир.

Иқтисодиёт ва жамиятни рақамлаштириш суръати бўйича Ўзбекистон илгор мамлакатлардан анча орқада эмас, буни

АКТ, электрон ҳукумат, дастурий таъминот ва қонунчиликни ривожлантириш соҳасидаги юқори рейтинглар тасдиқлайди. Аммо маълумки, жараённинг жадал ривожланиши билан турли хил ташкилий схемалар ва маҳсулотларни ишлаб чиқиш ва қўллашда чекловлар бўлмаса, турли хил хавфлар кўпаяди.

Рақамли иқтисодиётга нисбатан рақам деганда ҳар бир иқтисодий агент (етказиб берувчи, истеъмолчи, воситачига ва ҳоказо)га етиб борадиган, юқори сифатли ёки бошқарув импулсини узатувчи сигнал тушунилади. Бу корхона ва иқтисодиёт тармоқларидаги ишлаб

чиқариш, логистика жараёнларини автоматик бошқариш учун янги имкониятларни яратади.

Барча операциялар автоматик равишда бутун занжир (информацион технологиялар) орқали инсон аралашувисиз амалга оширилганда ва транзакцион харажатлар деярли нолга тушганда самарадорликнинг максимал даражасига эришилади.

Шу билан бирга, анъанавий ахборот технологиялари кўпроқ корхонанинг ҳолатини таҳлил қилишга ва индивидуал вази-фаларни ҳал қилишга, бундан ташқари, корхона фаолиятини марказлашган бошқарув тизимининг назорат масалаларига қаратилган бўлса, унда рақамли технологиялар асосан норасмий ва йўналтирилган бўлган фойдаланувчилар муаммоларини ҳал қилишга мижозларнинг қизиқишлари ва уларга қулайликлар яратиш мақсадида фойдаланиш ҳисобланади.

Шундай қилиб, рақамли технологиялар таъсири остида бизнес моделларини ўзгартириш туфайли объектив равишда иқтисодиётнинг мураккаблиги тобора ўсиб боради ва натижа-

Юксалишнинг энг қисқа йўли

да товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг барча қисмларининг ўзаро боғлиқлигини ва истеъмолчиларнинг индивидуал эҳтиёжларини катта ҳажмда ҳисобга олишни таъминлаш бўйича ахборотлаштириш фаолияти ўсиши юзага келади.

Рақамли иқтисодиётнинг асосий компонентлари

Республикада юқорида кўрсатилган рақамли иқтисодиётнинг асосий компонентларининг айримлари иқтисодиёт соҳалари ва ҳудудлар фойдаланиш кесимида таъминланиш даражаси турлича. Мисол учун, Республика банк тизимида бошқа соҳаларга қараганда юқорироқ ҳолда, рақамли платформаларнинг банк иловалари асосида яратилиши такомиллашиб бормоқда. Шунга қарамасдан, банк тизимида банклараро марказлаштирилган ягона ахборот базаси асосида жамоавий фойдаланишга имконият берувчи ахборотлар маркази мавжуд эмас. Бу эса

техник воситаларга кўп харажат кетишига олиб келди.

Иқтисодий масалаларни

келади. Бу эса керакли кадрларга талабни кучайтиради. Шунинг учун ҳам республика-

ечишда ва технологик жараёнларни кузатиб боришда рақамлаштириш ҳар бир соҳадан келиб чиққан ҳолда ахборотлар таркиби, унинг электрон кўринишига келтириш алгоритми ва ечилиши лозим бўлган масалалар алгоритми яратилиб, дастурчилар иштирокида оператив ҳолда ишлайдиган тизимга киритилишидир. Бу ерда хорижий инновацион технология даражасига келтирилган чет эл воситаларидан ҳам фойдаланиш мумкин бўлади. Лекин бу борада жамиятимиз манфатини ҳисобга олган ҳолда бир қатор масалаларни ечиш керак бўлади, деб ҳисоблаймиз.

Жамиятимиз иқтисодиётини бошқаришда рақамли иқтисодиёт компонентларидан фойдаланиш бошқа давлатлардан фарқ қилиши табиий ҳол, албатта. Рақамли инфраструктура ва рақамли фикрлаш бир қатор дастурларини ўзгартириш, яъни мослаштириш масалаларини ҳал қилишга тўғри

мизга рақамли иқтисодиётнинг айрим компонентларини яратиш учун стандарт модуллардан ташқари барча амалий масалаларни маҳаллий дастурчилардан фойдаланган ҳолда керакли дастурий мажмуаларни яратиш керак.

Бу кадрларнинг сифатли шаклланишига ижобий таъсир кўрсатади. Бундан ташқари, таъбиқ қилинган рақамли иқтисодиёт компонентларини ҳамма вақт ишчи ҳолатда бўлишини таъминлаш ва керак бўлганда ўзгартиришлар киритиш ҳамда уни ривожлантириш жараёнларини бир неча бор арзонга ҳал қилишни таъминлаб беради.

Гулчеҳра ШОДМОНОВА,
Тошкент ирригация ва кишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти профессори,
Наргиза ЖИЯНОВА,
Тошкент молия институти доценти

Жараён

“САБРУ САДОҚАТ” Саид билан Саида ҳақида

“ЎЗБЕККИНО” МИЛЛИЙ АГЕНТЛИГИ ТОМОНИДАН ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ЁЗУВЧИСИ САИД АҲМАД ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ БЕШ ҚИСМЛИ “САБРУ САДОҚАТ” НОМЛИ СЕРИАЛ ЭФИР ЮЗИНИ КЎРИШ АРАФАСИДА. СЕРИАЛ ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 8-12 ИЮНЬ КУНЛАРИ ЮРТИМИЗНИНГ БАРЧА ДАВЛАТ ВА НОДАВЛАТ ТЕЛЕКАНАЛЛАРИДА НАМОЙИШ ЭТИЛАДИ.

“Сабру садоқат” “Ўзбеккино” МАнинг махсус лойиҳаси бўлиб, сериал ёзувчи ва унинг рафиқаси Саида Зуннунова ҳаётига бағишланади. Фильмда меҳр-муҳаббат, улкан бардош, кучли матонат, букилмас ирода, енгилмас гурур ҳақида ҳикоя қилинади. Киносериал 1950-1955 йиллардаги реал воқеликларга асосланган. Режиссёр Ҳамидулла Бобоқулов мазкур телесериални Нозим Аббосовнинг “Саид билан Саида” фильми асосида суратга олган.

Ушбу махсус лойиҳа ҳаммамизга қадрдон “Саид билан Саида” фильмига киритилмай қолган янги саҳналар билан бойитилди. Бу томошабинлар учун Саид Аҳмад таваллудининг 100 йиллигига муносиб туҳфа бўлади. Буюк ёзувчи ҳақидаги сериални суратга олиш эса Нозим Аббосовнинг эзгу орзуси эди ва бу орзу эндиликда рўёбга чиқадиган бўлди.

Саид Аҳмаднинг асарлари кириб бормаган уй, қалб бўлмаса керак. Ҳар бир ижодкор, китобни севишни билган ҳар инсон борки, Саид Аҳмад



асарларини ўқимай катта бўлмаган. Айниқса, ёзувчининг пьесалари катта шон-шараф ва машҳурлик келтиргани барчамизга аён. Жумладан, улар ичида “Келинлар қўзғолони” комедияси алоҳида ажралиб туради. Ушбу асар театрда, кинода ўз ўрнини топгандан сўнг Саид Аҳмад номини ўзбек адабиёти классик намоёндалари қаторига кўтарди, десак муболага бўлмайди. Бинобарин


ёзувчининг бу комедияси дунёнинг 14 та мамлакатига саҳналаштирилган. Ва ниҳоят бугун шундай унутилмас асарларни халқига мерос қолдирган адиб ҳақида, унинг ёрқин хотирасига бағишлаб “Сабру садоқат” фильми суратга олинди.

“Адиблар хиёбонининг очилишида Президентимиз томонидан классик асарларни ўрганиш, китоблар нашр этиш, ижодкорларнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган фильмлар яратишнинг нечоғли аҳамиятли вазифа эканлигига алоҳида урғу берилди”, — дея изоҳ беради “Ўзбеккино” Миллий агентлиги матбуот хизмати. “Сабру садоқат” эса юқоридаги фикрларнинг исботи сифатида

катта экранларга чиқиш таралдулида. Томошабинлар эътиборига телесериал талқинида ҳавола этилаётган ушбу фильм қутилган натижани беришига умид қиламиз! Ушбу акция доирасида 8-12 июнь кунлари юртимиз телеэкранларида Саид Аҳмад сценарийлари асосида суратга олинган “Келинлар қўзғолони”, “Тўйлар муборак” ва “Муҳаббат можароси” фильмлари сифати яхшилланган ҳолатда томошабинлар эътиборига қайта тақдим этилади.

Демак, “Ўзбеккино” МА ҳамда барча телеканаллар томонидан яқинда эфирга узатилиши қутилаётган махсус лойиҳа — “Сабру садоқат” телесериалини томоша қилишни унутманг!

Нилуфар МУРОДОВА



Сўх туманида истиқомат қилувчи битирувчиларга ОТМга киришда алоҳида 500 та давлат гранти квотаси берилади.



ТИЛ МАСАЛАСИ – МИЛЛАТ МАСАЛАСИ

Мамлакатлар кўп, аммо ҳаммасида ҳам маҳаллий халқнинг она тили давлат тили мақомида эмас. Бу имконият кўп миллатларда йўқ, бироқ ўзбек тили давлат тили сифатида тан олинганига ўттиз йилдан ошяптики, ватандошларимизнинг унга бўлган муносабати мақтанадиган даражада эмас. Фақат айрим ижодкорлар, ёзувчилар, фидоий инсонларгина қайғуриб келдилар.

Алишер Навоий олим сифатида “Муҳокамат ул-луғатайн” асарини ёзиб туркий тилнинг оламда тенгсиз эканлигини кўрсатиб берган бўлса, шоир Эркин Воҳидов ҳам умрининг охирида она тилидан ҳаёти давомида беминнат фойдалангани учун унга мўъжазгина бир рамзий ҳайкал қўйиб кетди. Бу — “Сўз латофати” асаридир. Унда шоир тилшуносларга шундай мурожаат қилади: “Олимлар, топиб берингчи, қайси тилда қуёшнинг ўнта исми бор! Қайси тилда осмонни камалдек етти хил номлашади? Осмон, само, фалак, гардун, кўк, чарх, фазо. Арш, даввор ва мину сингари кам ишлатиладиган номлари ҳам мавжуд”. Бу асар тилшуносларимизга ҳам истиқболдаги вазифаларни белгилаб олишида ўзига хос бир маёқ вазифасини бажариши мумкин.

Миллий тил қадр-қиммати ҳақида ўйлаганда беихтиёр шоирнинг “Дўппи киймай қўйди одамлар” шеъри ёдга тушади. Дарҳақиқат, миллий бош кийимимиз, ўзбеклигимиз рамзи ҳисобланган дўппи бунга ёрқин мисол бўла олади. Юртимизнинг турли ҳудудларида “қалпоқ”, “каллапўш”, “тақия” каби ҳар хил номланадиган ушбу табаррук кийимдан одамлар тўйда, асосан, азаларда фойдаланган, бугун баъзи хос кишиларгина доим кийиб юрадиган бўлиб қолди. Ўзбек тилига муносабат ҳам шу дўппидан ортиқ эмас.

Биз бошқа тилда мулоқот қилувчи ватандошларимизга ҳам ўзбек тилини кенгроқ ўрганишига имкон беришимиз, яъни улар билан ўзбек тилида гаплашимиз лозим. Шу юртда умр кечириб адабиётимизни, маданиятимизни, тарихимизни — бизни яхшироқ англаши учун ҳам уларга ўзбек тилида гаплаша олиш малакасини шакллантирадиган мулоқот муҳитини яратиб беришимиз зарур.

Дунёда шундай тажриба бор: инглиз тилини Британия ёки АҚШ, ҳатто Ҳиндистонга бориб, олти ой яшаб келсанг, ўрганасан. Биз мамлакатимизга чет элдан ким келса, унинг тилида гаплашаварсак (расмий мулоқотлардан ташқари), юртимизда ҳам хорижда ҳам ўзбек тилининг нуфузини ошира олаемиз. Қайси давлатга борманг, у ерда самарали ўқиш, ишлаш ёки яхши яшаб кетиш учун, албатта, уларнинг тилини ўрганишга мажбурсиз. Масалан, Хитойни олайлик, 10 йил олдин Ўзбекистонда ҳеч ким хитой тилини ўрганмас эди, ҳозир тадбиркорларимиз, талабаларимиз бу тилда бемалол гаплаша олади. Бунинг сабаби шуки, хитойликлар бошқа давлатларда сиз билан халқаро тил

ҳисобланган инглиз тилида гаплашади, бироқ ўз юртида фақат хитойча мулоқот қилади. Бу шундан далолатки, халқ ўз тилини ҳурмат қилади, миллий гурури мустаҳкам.

Энди дунёда ҳеч қайси халқдан қолишмайдиган энг бой ва қадимий ўтмиши, илмий-бадий мероси, дунё тамаддунига муносиб ҳисса қўшган ажлолари бор миллат тилининг нуфу-



зи қандай бўлиши керак?! Бу ҳақда ҳар бир ўзбекистонлик ўйлаб кўрмоғи лозим. Тилимизнинг тақдири ўзимизнинг қўлимизда. АҚШнинг мамлакатимиздаги элчиси — Даниел Розенблум ҳар сафар ижтимоий тармоқларда дунёнинг кўз ўнгида ўзбек халқига давлат тилида мурожаат қилганда миллатимизнинг ҳар бир вакили чексиз фахр ва ифтихор туйғусини ҳис этиши табиий. Бугун Ўзбекистоннинг буюк келажигини кўра

Юртимизнинг турли ҳудудларида “қалпоқ”, “каллапўш”, “тақия” каби ҳар хил номланадиган ушбу табаррук кийимдан одамлар тўйда, асосан, азаларда фойдаланган, бугун баъзи хос кишиларгина доим кийиб юрадиган бўлиб қолди. Ўзбек тилига муносабат ҳам шу дўппидан ортиқ эмас.

олган ҳар бир халқ бизнинг бой ва бетакрор маданиятимизни, қадимий тарихимизни ўз тилимиз орқали ўрганишга интилади. Бунинг учун ҳар биримиз давлат тилига ҳурмат кўрсатишимиз, ўз фаолиятимиз мобайнида ўзбек тилини севишимиз, уни қадрлашимизни намоеън этишдан чарчамаслигимиз керак. Шундагина тилимизнинг нуфузи кун сайин ортиб боради.

Янги ташкил этилган фирмага замонавий бўлсин деб “Браво”, янги очилган боғчага “Хелло киндс”, “Литтле киндерланд”, янги маҳсулот ишлаб чиқилса, “Тизер”, дўкон очилса, “Комфорд”, деб ном қўйилмоқда. Харидор-

лар, мижозлар деярли ўзбек бўлгани ҳолда ажнабий ном қўйишдан кимга нима наф? Ё инглизча ном қўйса, хизмат ёки маҳсулот нархи жуда ошиб кетадими? Маҳсулотни мабодо чет элга экспорт қилиш зарурати бўлса ҳам ном ўзбекча бўлгани маъқул-ку! Ахир маҳсулотни сифатига қараб олишмайдами?! Боғча, хусусий мактабларга келадиган бўлсак, муассаса номи инглизча бўлгани билан ичидаги хизмат сифатсиз бўлса, барибир ўқувчи, тарбияланувчи келмайди. Замонавий бино қуриб, малакали ўқитувчини ишга олиб, ёки сифатли маҳсулот чиқариб ўзбекча ном қўйган яхши эмасми?

Бу борада бошқаларга намуна бўладиган юртдошларимиз ҳам бор. Тошкент шаҳрида “Виқор” номли савдо дўконлари бор, мижозлари ҳам ҳеч кимнидан кам эмас. Умумий овқатланиш учун очилган ошхона, чойхона, ресторанларнинг аксарияти маҳаллий халққа хизмат қилса ҳам номланиши русча ёки инглизча. Бундай номланиши кимга керак? Сайёҳлар, хорижлик фуқаролар учун унинг номи муҳим эмас. Шукрки,

Ватанимизда маънавий жиҳатдан етук, миллий гурури уйғоқ, ватанпавар тадбиркорларимиз ҳам йўқ эмас. Масалан, “Райҳон”, “Ялпиз”, “Миллий таомлар” каби тамаддиҳоналар ажнабий ном қўйиб олган борборга ресторандан кам эмас. Шу ўринда айтиш керакки, айрим номлар ўзбекча бўлса-да, русча имло қоидаларига мувофиқ ёзилмоқда. Мисол учун “Марақанд”, “Азия”. Ваҳоланки, булар “Марақанд”, “Осиё”, деган барчага бирдек ёқадиган чиройли номлар...

Антропонимлар — шахс номлари масаласида ҳам ўзига хос муаммолар мавжуд. Ўзбек исмлар луғати чоп этилган, электрон варианты ҳам, мобил илова шакллари ҳам бор. Исломий исмлар қўйиш яхши, бироқ ўзбек тили қаерда ишлатилади?! Исм танлаш ихтиёрий эканлиги маълум, бироқ ўзбекча исмлар луғатини ҳам яратиб, халққа етказиш вақти келган. Ҳар кун тилимиздан тушмайдиган, фаол ишлатиладиган сеvimли сўзлар — фарзанд ва набираларнинг исмлари, асосан, арабча ва форсча. Ота-оналар ўзбекча ном қўйса (улар ўзбекча деганда Ўроқ, Болта, Теша, Бўри, Қўчқор каби номларни тасаввур қилишади), бола масхара бўлади, ҳурматсизланиб қолади, деб ўйлашса керак. Барчага маълумки, исм инсонни эмас, инсон исмини улуғлайди. Сўзнинг қадр-қиммати ҳақида гап борганда исм, ном, от синонимик қаторини олайлик: исм — арабий, ном — форсий, от — ўзбекча. Бу учала сўзнинг мақомига эътибор беринг: от сўзи адабий тилда зинҳор шахсга нисбатан ишлатилмайди. Шахсга исм ва ном сўзлари муносиб кўрилади. Узоқ қишлоқлардагина кишилар бир-бирдан “Отинг нима?” деб сўрашади. Айрим марказдан узоқ туман, овулларда одамлар азиз фарзандларини ўзбекча сўзлар билан атайди: Тангриберди, Уйғун, Турғун, Тиловберди, Гўзал, Барчиной, Отабек, Ойбек, Улуғбек, Темур, Кумуш, Олмос, Олтин, Тошбек, Тўрабек каби.

Абдулла Қодирийнинг бош қаҳра-


монлари бўлган Отабек ва Кумуш соф ўзбекча исмлардир. Шу маънода ўзбекча исмларнинг оммалашиши, миллий тилга бўлган турғун қарашларнинг тез суръатларда ижобийга ўзгариши эл назаридаги инсонларнинг муносабатига боғлиқ эканлигини ҳам инобатга олиш лозим. Модомики, мустақил давлат эканмиз, исмики миллатимизни англаштириш керак. Тилдаги сўзлар яшаб қолиши, такомиллашиши учун уни ҳар кун ишлатишимиз керак. Тилимиз Махатма Ганди, Конфуций, Марк Твен, Ямамота, Ю Жин, Тангемлар каби ўзимизгагина хосликни ифода этсин, исmlаримиз халқаро майдонда миллатнинг ташриф қоғозига айланиши керак.

Шу ўринда давлат тилини такомиллаштиришга доир барча ишларни мувофиқлаштирувчи Вазирлар Маҳкамасида фаолият кўрсатаётган Давлат тилини ривожлантириш департаменти ўзбек тилида иш юритилишини назорат қилиш тизимини муваффақиятли йўлга қўйганини таъкидлаш лозим. Ҳар бир вазирлик, жамоат ташкилотларида жорий этилган ўринбосар мақомида давлат тили тўғрисидаги қонун ҳужжатларига амал қилишини таъминлаш масалалари бўйича раҳбар маслаҳатчиси лавозимларига филолог ва журналист мутахассислигига эга номзодлар суҳбат асосида танлаб олинди ва тайинланди. Бу борада дастлабки икки асосий вазифани тайинланган маслаҳатчилар амалга оширишга киришган. Аввало, вазирлик, ташкилотлар тасарруфидаги ички ва ташқи ҳудудларда эълон, пештахта, шоир кабиларнинг давлат тили қоидаларига мослигини ўрганиш бўлса, навбатдаги вазифалар ҳужжатларнинг давлат тилида юритилишини тартибга солиш, шунингдек, ходимларнинг давлат тилини билиш даражларини аниқлаш, соҳага доир атамаларнинг қўлланилишини тартибга солиш кабилар.

Дастлабки кузатишлардан маълум бўлдики, иш юритиш, қишлоқ хўжалиги техникаларини ишлаб чиқишда ўзбек тилининг қўлланилиши, шунингдек, саноат, молия, ҳарбий, банк, боғхона ва адлия соҳаларини давлат тили тўғрисидаги қонунга мувофиқлаштириш айрим илмий тадқиқотларни амалга оширишини ҳам тақозо этади. Масалан, хусусий фирма ва корхоналарнинг сони кўплигини инобатга олсак, адвокатлик фирмасини очиш учун “Ҳақиқат”, “Адолат”, “Шафқат” каби номлар бармоқ билан санокли. Бу борада Давлат хизматлари марказига талабдан ташқари ёрдам ҳам керак бўлади. Давлат статистика қўмитасидан рўйхатдан ўтаётган янги давлат корхоналари ҳам Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университети билан ёки Давлат тилини ривожлантириш департаменти билан ҳамкорликни йўлга қўйиб олса, муаммоларнинг олди олинади.

Шоиримиз Эркин Воҳидов ўзининг “Сўз латофати” асариде: “Она тили умуммиллат мулкидир. Демак, тил олдидаги масъулият ҳам умуммиллий. Мен ўзбекман, деган ҳар бир инсон ўзбек тили учун қайғурмоғи керак. Унутилган сўзларни тиклаш, борини бойитиб бориш, хорижий атамаларга муносиб истилоҳлар топиш ёлғиз тилшуносларнинг эмас, миллатнинг ишидир” деган эди.

Фофир ҲАМРОЕВ,
“Ўзагротехсаноатхолдин”
компанияси бошқаруви раисининг
давлат тили масаласи бўйича
маслаҳатчиси



2020 йил 1 августдан бошлаб тракторлар, 10 ёки ундан ортиқ кишини ташишга мўлжалланган моторли транспорт воситалари, енгил автомобиллар ва юк ташишга мўлжалланган моторли транспорт воситалари ТИФ ТН кодлар бўйича транспорт воситаларини олиб киришда амалда бўлган акциз солиғи ставкалари бекор қилинади.

Миллат иқболи фарзандлар камолида

1 июнь санаси “Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни” сифатида нишонланади. Бола ҳуқуқларига илк бора эътибор қаратган ва уларни ҳимоя қилишга буюрган дин айнан Ислондир. Юнон-рим цивилизацияси дейсизми ёки Ғарбни кузатасизми, яқин-яқингача бола ҳуқуқлари ҳақида сўз ҳам бўлмаган. Фарзанд Яратганнинг санаб адоғига етиб бўлмайдиган неъматлари ичидаги энг азиздир. Шунинг учун халқимиз уларни хурсанд қилиш, яхши тарбия беришда ўзини аямайди.

нинг ҳам кайфиятини кўтариш нақадар савоб иш эканини ана шундай жойларга борганда ниҳоятда чуқур ҳис эта-

педагогика факультети филиали жойлашган бинодаги 104 нафар, Янгиер тиббиёт колледжидagi 38 нафар болажонларга совға-саломлар улашилди. Пандемия шароити бўлгани

куни мана шундай тadbирлар бўлиб турибди. Саховатпеша инсонлар, раҳбарлар келиб, ҳолимиздан хабар олишмоқда. Набираларимизга тарбиячилар бириктирилган. Буларнинг барчасига раҳмат! Яратганга шукр, камчилигимиз йўқ. Усталаримизга куч-қувват ато этса, тез орада уйлари-мизга ҳам кириб олади.



Халқимиз дунё ойинасида болажон миллат сифатида эътироф этилади. Оила бор экан, унинг бахту иқболи фарзандлар камоли билан белгиланади.

Элимиз бола кувончини, унинг беғубор кулгисини нафақат ота-она, балки дунёлар кувончи деб билади.

Фарзанд қалб райҳони, гулдир. Гўдаклик чоғларида уларни эркалаб, кўнглимиз хузур қилади. Катта бўлганда, ёрдамларидан баҳраманд бўламиз. Вафот қилганимиздан кейин эса уларнинг сая-ҳаракатлари туфайли номаи аъломимиздаги савобларимиз зиёда бўлади. Уларни хурсанд қилишнинг ўзи бир дунё. Бир тасаввур қилинг-а, ҳали кўп нарсанинг фарқи бормайдиган фарзандингизга янги кийим олиб берсангиз, қанчалар суюнади. Буни кузатиб, дилингиз яйрайди, қалбингиз кувончга тўлади. Ва ҳар доим уларни ана шундай хурсанд қилишнинг йўллари излаб юрасиз.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги нодавлат ва нотижорат ташкилотларни ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари-

ни қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Республика Маънавият ва маърифат маркази «Маърифат» тарғиботчилари жамияти ҳамда Тадбиркор ва ишбилармон аёллар ассоциацияси ҳамкорлигида 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан уюштирилган «Бахтли болалик шарафига!» акцияси доирасида Сирдарё вилоятидаги Сардоба сув омбори талафотидан жабр кўрган оилалар фарзандларига совға-саломлар улашиш меҳр-саховат қарвони йўлга чиқди.

Юқорида фарзандни хурсанд қилишнинг қанчалар завқли экани ҳақида сўз юритдик. Бунда, табиийки, ҳаммининг кўз олдига ўз фарзанди келади. Лекин ўзгаларнинг, яна жабр кўрганларнинг фарзандларини хурсанд қилиш, шунинг баробарида ота-оналари-

сиз. Уйи бузилган, коллежларда, мактабларда яшаётган оилаларга фарзандларининг кувончидай таскин борми?

“Бахтли болалик шарафига” акциясида, шунингдек, «Маърифат» тарғиботчилар жамияти аъзолари: Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар – Саида Раметова, Барно Қодирова, Алишер Отабоев, фалсафа фанлари номзоди Жамила Шермухаммедова, шоир Зикрилла Неъмат ва бошқа ҳамкор ташкилот мутахассислари иштирок этди.

Шу куни Янгиер педагогика коллежидagi 145 нафар, Гулистон давлат университети

сабабли санъаткорлар концерт намойиш этмаган бўлса-да, ўзларининг табриклари, қисқа эпизодлари билан нафақат болажонларнинг, балки катталарнинг ҳам кўнглини тоғдек кўтарди.

Халқимиз сабрли, қаноатли. Совғалар улашиш жараёнида болалардан ташқари аёллар ва кексаларни учратдик. Сабаби бўз йигитлар, эркалар бу пайтда рўзғор ташвишлари билан ишга кетишган.

— Ўғиллиримизнинг ишчилари ишга, қолганлари эса қурилиш қилаётган усталарга ёрдамга кетишади, — дейди отахонлар. — Деярли ҳар

қувончини, унинг беғубор кулгисини нафақат ота-она, балки дунёлар кувончи деб билади.

Жамоат фонди ва тарғиботчилар ташаббуси билан ташкил этилган ушбу хайрли амал жажжи қалб эгалари шодлигига-шодлик улашди. Болажонлар юзида порлаган табассумда улкан орзулар, келажакка умид ва ишонч акс этганини кўрасиз. Бу эса шундоғам бошларида ташвиш билан юрган ота-оналарга ҳам далда бўлди. Уларга “ҳа”, деб туринг, азизлар...

Нуриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,
“Жамият” муҳбири

Коррупция ҳақида ҳаммининг ўзига хос тасавури, кутунчаси бор, албатта. Коррупция ҳар қандай давлат ва жамиятнинг иқтисодий-сиёсий ривожланишига жиддий путур етказди, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол бўлишига олиб келади. Шунинг учун унга қарши курашиш ҳар бир шахснинг келажак авлод олдидagi бажариши шарт бўлган асосий бурчи ҳисобланади.

Дастлаб, коррупция тушунчасини порахўрликдан фарқлаш керак. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига давлат ва фуқаролик жамиятининг ижтимоий хавфи қилмишлар корруп-

сивучи муомала ҳамда жазо турларини қўллаш, тергов қилишга ёки суд ишларини ҳал этишга аралашиб, ёлгон гувоҳлик бериш, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш

Бугунги кунда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини аниқлаш, ҳисобга олиш ва уни гуруҳларга ажратган ҳолда шаҳар, вилоят ва республика миқёсида ҳал этиш бўйича шаҳар ҳокими, прокурор, ички ишлар бошлиғи ва солиқ идораси раҳбари масъул бўлган секторлар фаолият юритмоқда. Умуман олганда самарали механизм ишламоқда.

Бироқ жамиятда мавжуд ҳуқуқий муаммоларни аниқлаш ва ҳисобга олиш ҳамда ҳар бир соҳа бўйича тизимлаштирилган база яратиш бўйича ягона ёндошув мавжуд эмас. Шу мақсадда, Сурхондарё вилояти ҳокимининг “Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси ва туман (шаҳар) адлия бўлимларининг ижтимоий-иқтисодий соҳада ҳуқуқни қўллаш амалиётини ўрганиш бўйича вилоятдаги давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” қарори қабул қилинган. Унинг 2-бандига асосан вилоятдаги маҳаллий давлат ҳокимияти, давлат бошқаруви ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳар чорак якуни вилоятдаги ҳуқуқий муаммолар базасини шакллантириш учун вилоят адлия бошқармасига таклифлар киритиб бориш белгиланган. Ушбу қарор шаҳардаги ташкилотларга юборилган бўлса-да, шу кунга қадар фақатгина Бюджетдан ташқари

пенсия жамғармасининг Термиз шаҳар бўлими томонидан таклифлар бериб келинмоқда, холос. Қолган идоралар томонидан юқорида қайд этилган қарор ижроси таъминламапти.

Маълумки, жамиятда ҳуқуқий муаммолар баргараф этилмаслиги қонунчилик мукамал бўлмаслигига, қонунлар ижроси ва унга риоя этишни четлаб ўтишга, қонунчиликда коррупцион нормаларни, бир-бирига зид ҳужжатларни қабул қилишга замин яратади. Ҳалқ орасида эса оддий қилиб айтганда “Қонун борми ўзи?”, “бизда қонун ишламайди” деган сўзлар айтилишига олиб келади.

Шуларни ҳисобга олиб, шаҳар миқёсида ҳуқуқий муаммоларни аниқлаш, қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш мақсадида шаҳар ҳокимининг юридик хизмати раҳбарлигида шаҳар халқ таълими бўлими, тиббиёт бирлашмаси ҳамда маданият бўлими юридик хизматлари таркибида эксперт гуруҳини ташкил этдик. Айни пайтда бу ўзининг ижобий самарасини бериб келмоқда.

Шундай экан, ўзимизга хулоса қилишимиз, келажакни коррупциясиз биргаликда қуришимиз, бунинг учун, аввало, ўзимизни ўзимиз тарбия қилишимиз, коррупциянинг ҳар қандай кўринишини баргараф қилиш учун биргаликда курашишимиз зарур.

Ҳабибжон АБДУРАҲМОНОВ,
Термиз шаҳар адлия бўлими
бошлиғи вазифасини
вақтинча бажарувчи


"Қонун борми ўзи?"

циявий жиноятлар ҳисобланади: Масалан, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш, бюджет интизомини бузиш, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суистеъмол қилиш, ҳокимият ёки мансаб ваколати доирасидан четга чиқиш, ҳокимият ҳаракатсизлиги, пора олиш, пора бериш, пора олиш-беришда воситачилик қилиш, хизматчини пора эвазига оғдириш, товламачилик йўли билан ҳақ беришни талаб қилиш, қийноққа солиш ва бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни кам-



ва ҳоказолар. Демак, коррупция тушунчасини порахўрлик тушунчасидан кенгроқ эканини англаш қийин эмас. Кўриниб турибдики, порахўрлик коррупциянинг бир бўлаги, холос.

риш учун вилоят адлия бошқармасига таклифлар киритиб бориш белгиланган. Ушбу қарор шаҳардаги ташкилотларга юборилган бўлса-да, шу кунга қадар фақатгина Бюджетдан ташқари



Тез ёрдам автомобиллари импорт божхона божидан озод қилинди.



Бировнинг ҳақи буюрмайди

Самарқанд вилояти Самарқанд шаҳар судининг очик суд мажлиси бўлиб ўтди.

Судланувчи Х.К алдаш ва ишончни суистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкни қўлга киритиш мақсадида К.Д ва Б.Ининг ишончига кириб, уларга қуруқ мева (майиз) маҳсулотини кўп миқдорда харид қилиб биргаликда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, кейинчалик тижоратдан қўрилган даромадни ўзаро биргаликда тенг тақсимлашни ваъда қилган. Улардан 180 000 АҚШ долларини алдов йўли билан олган. Ўзи эса ваъдасини бажармасдан олган пулларидан 39 500 АҚШ долларини К.Дга қайтариб бериб, қолган пулларни ўзининг эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган. Эhtiборли жиҳати улар бир маҳаллада, бир кўчада яна қўшни бўлгани.

Х.К бу пулларни қўлга киритгунча қандай ваъдалар бергани, орган ходимларига хабар бермаслиги учун маълум қисмини қайтаришга мажбур бўлгани, бу ишга бир неча беҳабар одамларни ва энг ёмони турмуш ўртоғини ҳам жалб этгани тергов суриштирув жараёнларида ўз исботини топди. Суд судланувчининг важларини жиноий жавобгарликдан қуту-

либ қолиш мақсадида ўйлаб топилган деб баҳолаб, унинг келтирилган важларини ишончли эмас деб топди.

Унинг айтишича, Х.И исмли таниши жабрланганлардан пулни олган. Ўзи эса шунчаки уларни таништириб қўйган экан. Ҳозирги пайтда кўпгина



буларга ўхшаган одамларни чув тушириб, чет давлатга қочи кетган эмиш. Қайтиб келса, албатта, бераман деб Х.Кни ҳам алдаганмиш. Тергов суриштирув жараёнида бошқаларнинг гаплари бу баҳоналарга умуман тўғри келмаган. Хусусан, пулни олиб кетишга келганда ёнида бўлган йигитни жияним деб таништирган. Шунча пулни ишониб топширишнинг ўзи бўладими? Жабрланувчилар тилхат талаб қилганда. Уйда ёзиб келиши-

ни ва хотинига ҳам қўл қўйдириб келишини айтган. Қайтиб келганида эса тилхатда гўёки қарз сифатида бу маблағни олгани ҳақида ёзилган. Бунинг сабабини сўрашганда “нима фарқи бор, мен пулларни миқдорини кўрсатганман-ку, у ёғи қарзми бошқа нарсами нима фарқи бор, сизлар менга ишонинглар”, дея яна қўйниларини пуч ёнғоққа тўлдириб кетган. Қўшничилик юзотири сабаб улар ҳам ишонган-қўйган.

Нима бўлганда ҳам бировнинг ҳақи бировга буюрмайди. Бу гапни халқимиз бекорга айтмаган. Қўшнилари бир-бирининг ҳақини еб, бир-бирини чув тушираётгани нафақат мусурмончиликка, балки одамгарчиликка ҳам тўғри келмайдиган муносабат...

Х.К жазосини оляпти. Лекин қвм-қариндош, оила, қўни-қўшнилари энди унга қандай муносабатда бўлишади? Бу ҳам майли, оиласи, фарзандлари қандай бош кўтариб юради? Инсон бир ишни қилишдан олдин бошига тушажак ана шундай кўргиликларни ҳам унутмаслик керак.

Ф.РАХМАНОВ,
Самарқанд шаҳар суди судьяси

Болангизга гугурт берманг!

Пойтахтда содир бўлаётган ёнғинларнинг аксарияти болалар ва ўсмирларнинг шўхлиги натижасиди десак, хато бўлмайди. Айнан кичкинтойлар назоратсиз қолиб, катта муаммолар сабабчиси бўлмоқда.



Шуни унутмаслик керакки, болалар шўхлик қилишга мойил. Лекин ҳар бир ўйин хавфсиз эмас, масалан, гугуртни олайлик. Айнан гугурт болалар қўлида нафақат ўзларига, балки атрофдагиларга жиддий хавф туғдиради. Ҳеч кимга сир эмас, биргина ёнғин катта офат бўлиб, ўз йўлида бор-

лиқни кулга айлантира олади, инсонлар ҳаётига зомин бўлади. Назоратсиз қолган болалар ёнғинлар келиб чиқишига сабабчи бўлади.

Тошкент ИИББнинг хабар беришича, Шайхонтоҳур туманида истиқомат қилаётган олти яшар бола уйининг тўртинчи қаватидан қоғоз

самолётларни четини ёқиб, тепадан учирган. Пастдаги қўшнилари ҳайқириғига қарамай, бола шу ишини давом эттираверган. Ёнаётган самолётларнинг бири иккинчи қаватдаги хонадонга очик ойнаси орқали учиб кириб, пардаларга илашиб қолган, бунинг натижасида эса қисқа муддат ичида ёнғин ҳосил бўлди. Яхшиямки хонадон эгалари ўйда бўлган ва ёнғинни ўз вақтида бартараф этган. Акси бўлганида-чи? 2019 йилнинг ўзида бир неча ўнлаб ёнғинлар айнан болалар шўхлиги натижасида келиб чиққан.

Бундай ҳолатларнинг олдини олиш учун доимо ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинг. Фарзандларингизни ёлғиз, назоратсиз қолдирманг! Гугурт ва бошқа тез ёнувчи маҳсулотларни болаларнинг қўли етмайдиган жойларда сақланг. Уйингиздан чиқиб кетаятиб барча газ, электр ускуналарини текширинг ва ўчиришни унутманг.

Сарвар АНОРОВ,
Олмазор туман ФВБ про-
филактика ва назорат бўлими
инспектори, лейтенант,
Элдор АХМАДОВ,
сержант

Монополия. Ушбу сўз қандай маъно англатишини ортиқча таърифлашга ҳожат йўқ. Чунки бунинг нима эканлигини яхши биламиз. Айниқса, иқтисодиётда монополия сақланиб қоладиган бўлса, бугунги шиддатли даврда тараққиёт ғилдираги ортга айланади, соғлом рақобат тушунчасига эса ўрин қолмайди. Рақобат бўлмаса, сифат ҳам, аҳолида танлаш имконияти ҳам бўлмайди.

Рақобат кушандаси



ҳуқуқий ва ташкилий чора-тадбирлар мажмуидир.

Ушбу тизимнинг афзалликлари шундаки, биринчи гада монополияга қарши курашиш бўйича ички назорат ўрнатилди.

Шунингдек, монополияга қарши қонунчилик бузилиши

Давлатимиз раҳбари шу йилнинг 28 май куни ўтказилган йиғилишда масаланинг шу ва бошқа жиҳатлари хусусида сўз юритди. Давлат иштирокидаги корхоналарда монополияга қарши комплаенс тизимини жорий этиш, Жаҳон банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан барча раҳбарларни рақобат асослари ва комплаенс бўйича ўқитиш ташаббуси илгари сурилди.

Комплаенс тизимининг афзалликлари нимда намоён бўлади, деган савол туғилади?


Шуни айтиш керакки, монополияга қарши комплаенс, бу монополияга қарши қонунлар талабига риоя қилиш ва унинг бузилиши билан боғлиқ хавф-хатарларнинг олдини олиш, уларни таҳлил қилиш ва корхона фаолияти самардорлигини ошириш мақсадида давлат органлари ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг монополияга қарши қонунчилик талабларига мувофиқлигини таъминловчи

билан боғлиқ хавф-хатарлар мунтазам равишда таҳлил қилиб борилиши орқали товар ва молия бозорларида соғлом рақобат муҳити таъминланишига имкон яратилади. Компанияларнинг монополияга қарши ҳаракатлари учун жавобгарлиги ошади. Улар ўртасидаги ўзаро таъсир механизмларини кучайтиради. Умуман олганда, монополияга қарши элементар талабларни билмаслик ёки ўз ҳаракатларининг қонунийлигини исботламаслик туфайли келиб чиқадиган қоидабузарликларнинг сони камаяди.

Бир сўз билан айтганда, монополизм иқтисодни издан чиқаради, рақобатни ўлдиради. Шундай экан Президентимиз атрофида бирлашиб, ушбу иллатга қарши ҳаётий қонунлар ва ҳаракатларимиз билан курашишимиз керак. Бу йўлда бефарқ бўлишга ҳақимиз йўқ.

Қаҳрамон ЭРГАШЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

НОЛБЕ	Алишер Навоий номидаги Самарқанд давлат университети томонидан 2005 йилда Кулдашева Фарида Холжигитовна номига берилган В № 208626 серия ва рақамли дипломнинг иловаси йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
НОЛБЕ	2008 йил Тошкент давлат юридик институти томонидан Масаидова Марғуба Муратовнага берилган В № 351754 рақамли диплом йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
НОЛБЕ	2017 йил Республика олимпия захиралари коллежи томонидан Абдуллаев Улуғбек Хушвақт ўғлига берилган К № 4901036 рақамли диплом ва унинг иловаси йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.
НОЛБЕ	Шайхонтоҳур тумани Ибн-Сино 17 уй 94 хонадоннинг Алимухамедова Шахноза Ғайратовнага тегишли бўлган уй ҳужжатлари йўқолгани сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



ҚИСКА
САТРАЛДАР
ЎҚИНИ!

Бу йил 1 миллион 270 минг абитуриент ҳужжат топшириши кутилмоқда. Бир кунда 3 сменада тест топширилади. Иккита фандан тест ишлаш учун уч соат вақт берилади.

Барқарор ривожланишда Траст фондининг ўрни

Пойтахтимизда 2030 йилга қадар Барқарор ривожланиш соҳасида Миллий мақсадлар ҳамда Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик Траст фондининг фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ҳолати бўйича жамоатчилик эшитуви ташкил этилди.

Видеоконференция шаклида ўтказилган жамоатчилик эшитуви Ўзбекистон Экологик партияси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси, Ўзбекистон экологик ҳаракати, "Логос" ННТ, БМТнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ), Конрад Аденауер жамғармасининг Марказий Осиё минтақавий ваколатхонаси, Марказий Осиё минтақавий экологик марказининг Ўзбекистондаги филиали, ОҚХЖ Ўзбекистондаги агентлиги, Халқаро сув менежменти институти (IWMI), Марказий Осиё ва Кавказ Глобал сув ҳамкорлиги ташкилоти иштирокида ташкил этилди.

Тадбирда қайд этилганидек, 1972 йилда Бирлашган Миллатлар Ташки-

лоти Бош ассамблеясининг 27-сессиясида атроф-муҳит муаммоларига дунё ҳамжамияти эътиборини жалб қилиш мақсадида 5 июнь — Бутунжаҳон атроф-муҳит куни деб эълон қилинган. Ҳар йили дунё бўйлаб ушбу кунда оммавий "яшил" акциялар, концертлар ва танловлар, илмий, амалий ва маърифий тадбирлар ўтказилиши анъанага айланган. Бироқ бу йил коронавирус пандемияси билан боғлиқ вазият туфайли бундай тадбирлар онлайн виртуал тарзда амалга оширилмоқда.

Маърузачилар барқарор ривожланиш учун сув ресурсларини тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш, мавжудларини эса санитария ҳолатини яхшилашни таъминлаш, иқлим ўзгариши ва унинг оқибатларига қарши

шосилинч чоралар кўриш, ер экотизимларини ҳимоя қилиш ҳамда тиклаш ва улардан оқилона фойдаланиш, ўрмонларни барқарор бошқариш, чўлланишга қарши курашиш, ерларнинг деградацияга учраши ва биологик хилма-хилликни қисқариши жараёнини камайтиришга киришиш лозимлигини алоҳида қайд этишди. Бу йўналишдаги ишларни самарали амалга оширилишини таъминлашнинг бош мезони давлат ва жамоат ташкилотлари, халқаро ташкилотларнинг ҳамжиҳатликдаги сайъ-ҳаракатлари билан ўзаро яқин алоқа-



ларни йўлга қўйишдир.

Ушбу мақсадлар Ўзбекистон Экологик партияси ва унинг парламентдаги депутатлик фракциясининг асосий дастурий мақсадларидан ҳисобланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий

Мажлиси Қонунчилик палатаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси режалари, Ўзбекистон экологик ҳаракати ва экология йўналишидаги бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларининг мақсадларига ҳам ҳамоҳанг.

Шунингдек, жамоатчилик эшитуви иштирокчилари Оролбўйи минтақаси учун инсон хавфсизлиги бўйича кўпшериклик Траст фонди фаолиятини қўллаб-қувватлаш бўйича "Йўл харитаси"нинг амалга оширилиши жамоатчилик мониторинги билан боғлиқ масалаларни ҳам муҳокама қилишди.

Траст фондининг фаолияти ва мазкур фонд томонидан Оролбўйида амалга оширилаётган лойиҳалари 2030 йилга қадар Барқарор ривожланиш мақсадларининг 6, 13 ва 15-мақсадлари бўйича аниқ натижаларга эришишга қаратилган.

Анъанага кўра, экологик муаммолар, табиий ресурсларидан оқилона фойдаланиш ва экологик тоза, ресурс тежамкор, энергия манбааларидан ҳамда сувни тежаш технологияларидан фаол фойдаланиш борасидаги янгиликларни ОАВ ва ижтимоий тармоқларда ёритиб келаётган фаол журналистлар ҳомий ташкилотлар томонидан ташаккурнома ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**Ўзбекистон Экологик партияси
Матбуот хизмати.**

Мусаффо ҳаёт "Тозалик кунини"дан бошланади

2019 йил 8 январь. Шу кунни мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий ҳаётида муҳим воқеа содир бўлди. Шу кунни мустақил Ўзбекистон тарихида биринчи марта экологик барқарорликни таъминлаш йўлида янги сиёсий куч, Ўзбекистон Экологик партияси таъсис этилди.

Ҳўш, янги партиёга қай даражада эҳтиёж бор эди ёки бу партиё энди жамиятга нима беради, деган ҳақли саволлар туғилиши табиий. Ушбу саволларга бугунги тобора чуқурлашиб бораётган экологик вазият, табиатдаги жиддий ўзгаришлар сабабли содир бўлаётган ҳалокатли воқеа-ҳодисаларни мисол келтириш мумкин.

Бунинг яна бир муҳим жиҳати борки, бунга атрофлича тўхталиб ўтишни мақсадга мувофиқ деб биламан: 2008 йил 2 август кунини Ўзбекистон экологик ҳара-

кати ташкил топган эди. Аини пайтгача у ўзининг мақсад ва вазифаларини тўла амалга оширди. Лекин орадан шунча вақт ўтиб, табиатда ҳам, жамиятда ҳам қанчадан-қанча ўзгаришлар содир бўлди. Сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилаётган жиддий ислохотлар, жамиятнинг барча институтларига янги-янги вазифаларни қўймоқда. Бу вазифаларни амалга ошириш учун янгича ёндашув, янги куч талаб этилади. Бу борада янги партиёнинг ташкил этилгани бежиз эмас.

Бугун мазкур партиё барча ҳудудларда ўзининг бошланғич ташкилотларини шакллантириб, ҳам ижтимоий, ҳам сиёсий куч сифатида фаолият олиб бормоқда. Ангрен шаҳар партиё ташкилоти ҳам аини пайтда ўзининг 2020 йилга мўлжалланган дастурий вазифаларини самарали амалга оширишга йўналтирилган асосий ташкилий-ҳуқуқий, назорат-таҳлил ва бошқа йўналишлардаги ҳаракатларини бошлаб юборган.

Шаҳарда яхлит ҳолда экологик муҳит ҳолатини аниқлаш, экологик муаммоларни ҳал этишга қаратилган дастур ва ҳаракат стратегиясини белгилаш ҳамда амалган ошириш юзасидан сиёсий ташаббусларни ишлаб чиқиш,

амалга ошириш юзасидан давлат органлари, тадбиркорлик субъектлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйган.

Ўтган давр мобайнида Ангрен шаҳридаги "Кимёгар", "Ёшлик", "Истиклол", "Нурчи", "Кўктерак" маҳалла фуқаролар йиғинларида экологик муҳитни аниқлаш ва муаммоларни ҳал этишга қаратилган давра суҳбатлари ўтказилди. Ҳудудлар ўз вақтида назоратга олиниб, тозалаш-таъмирлаш, ноқонуний ахлатхоналар бартараф этилиб, унинг муқобил ўринлари яратилди.

Экологик сиёсатнинг устуворлигига эришиш, нафақат экологик, балки барча соҳалардаги муаммоларнинг оқибатлари билан эмас, уларнинг келиб чиқиш сабаблари билан курашиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ишларида барчани бирлаштириш, экологик масъулиятни ошириш орқали экологик барқарор жамият куришда фаол иштирок этиш мақсадида Ангрен шаҳар партиё ташкилоти томонидан ҳудуддаги академик лицей, коллеж ўқувчилари билан "Экологик хавфсизлик Ўзбекистон миллий хавфсизлигининг ажралмас қисмидир" мавзусида


давра суҳбатлари ташкил этилди. Аини пайтда тадбирлар ўз самарасини бериб, кўнгилли ўқувчилардан тузилган гуруҳлар ташкил этилди. Улар навбати билан ҳафтанинг белгиланган кунларида "Тозалик кунини"да иштирок этиб келмоқда.

Партия ташкилоти ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги Ангрен шаҳар назорати инспекцияси ҳамкорлигида маҳалла фаоллари билан бирга қилинаётган ташаббус ўзининг муқим самарасини бера бошлади. Ҳатто эътибордан четда қолган қаровсиз биналару участкаларда ҳам тозалик тадбирлари ўтказилмоқда. Партиё ташкил этилгандан буён тадбирлар ташкиллаштиришдаги муаммоларимиз тугади. Тадбиркорлар билан келишувларимиз жадаллашди. Ҳокимият билан муносабатларимиз ўз йўлига тушди. Чунки эндиликда фаолиятимизни сиёсий куч сифатида олиб бормоқдамиз.

Маҳалла ўзимизники, шаҳар ўзимизники, юрт ўзимизники. Шундай экан, унинг тозалигига, ҳавоси мусаффолигига ҳам ўзимиз жавобгармиз. Чунки унинг фойдаси баробарида зарарини ҳам фақатгина ўзимиз кўраемиз. Мамлакатимизнинг барча гўшаларида мана шундай ҳамжиҳатлик бўлса, экологик муаммолардан мумкин қадар эртароқ қутуларилик!

**Ойбек ҚОРАҚУЛОВ,
Ўзбекистон Экологик партияси
Ангрен шаҳар партиё ташкилоти раиси**

<p>Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари</p> <p>ЖАМИЯТ</p> <p>Мустақил экологик газети ■ 2006 йил 31 августдан ҳозиргача ■ www.bong.uz ■ jamiyat@bong.uz</p> <p>Муассислар: Фуқаролик жамиятини ривожлантириш маркази. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси. Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси. Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини</p>	<p>қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди.</p> <p>Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси. Ўзбекистон экологик ҳаракати. Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси. "Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society" журнали.</p>	<p>Бош муҳаррир Мақсуд ЖОНИХОНОВ</p> <p>Таҳрир хайъати: Рустам Комилов Борий Алихонов Акмал Саидов Раҳмат Маматов Нуриддин Убайдуллаев (Бош муҳаррир ўринбосари) Ақтам Ҳайитов Адхам Икромов</p>	<p>Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси 41. Буюртма рақами Г-614 Адади: 1301. Жума кунини чиқади. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 2 босма табоқ. Баҳоси келишилган нарҳда. Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.</p> <p>ISSN 2010-7722</p>	<p>Навбатчи: Дилбар Маҳмудова</p> <p>Дизайнер: Бегали Эшонқулов</p> <p>100000, Тошкент шаҳри Матбуотчилар кўчаси 32. Маълумот учун телефонлар: (71) 233-72-77, 233-91-55 Реклама ва эълонлар учун: Электрон почта: jamiyat@mail.uz Газета индекси — 131 "ЖАМИЯТ"дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. ЎЗА якуни: Топширилган вақти: 20.35</p> <p>1 2 3 4 5 6</p>
--	--	--	---	---



Ўзбекистонда ноқонуний сақланган қуроолларни ўз ихтиёри билан ИИВга топширганларга пул мукофоти берилади.

YUQORI DAROMADGA
ERISHING“PROGRESSIVE”
OMONATI

32%

20%



XalqBanki

Даромад топиш йўллари кўп

Акциядорлик тижорат Халқ банки эса сизга энг осон ва фойдали усулни тавсия қилади

Кўлингизда ортиқча сармоянгиз борми? Уни қандай ва қаерга ишла-тишни билмаяпсизми? Албатта, бундай ҳолларда сиз ҳам аксарият одамлар танланган йўл — уй жой, автомобиль ёки бошқа мулк сотиб олмоқчисиз. Бу ҳам тўғри танлов. Лекин пул ҳаракатда бўлса, янада фойдали. Бунда эса сизга Халқ банкининг омонатлари кўл келади. Ушбу масалада биз сизга мазкур молия муассасаси томонидан яқинда амалга киритилган миллий валютадаги “Progressive” омонат турини тавсия қиламиз. Банк мутахассисларининг айтишларича, ушбу омонат мижозлар учун ҳар томонлама қулай ва даромадли экан.

Омонатга маблағлар нақд пулда ёки пластик карточка орқали қабул қилинади. Омонатга ҳисобланган фоизлар мижознинг хоҳишига қараб, ойма-ой тўлаб берилиши мумкин. Омонат муддати эса 24 ой.

“Progressive” миллий валютадаги муддатли омонатига фоизли даромадлар пулингизни қанча вақтга жойлаштиришингизга боғлиқ. Қисқа қилиб айтганда, пулингизни банкда қанча кўп сақласангиз, шунча кўп фойда кўрасиз. Вақт сизнинг фойдангизга ишлайди.

Яъни:

-12 ойгача йиллик 20 фоиз;


-13 ойгача йиллик 21 фоиз;

- 14 ойгача йиллик 22 фоиз;
- 15 ой учун йиллик 23 фоиз;
- 16 ой учун йиллик 24 фоиз;
- 17 ой учун йиллик 25 фоиз;
- 18 ой учун йиллик 26 фоиз;
- 19 ой учун йиллик 27 фоиз;
- 20 ой учун йиллик 28 фоиз;
- 21 ой учун йиллик 29 фоиз;
- 22 ой учун йиллик 30 фоиз;
- 23 ой учун йиллик 31 фоиз;
- 24 ой учун йиллик 32 фоиз.

Кўришиб турибдики, маблағингиз банкда қанча кўп сақланса, даромадингиз ҳам ортиб бораверади. Бу жуда катта қулайлик, албатта.

“Progressive” — оддий қилиб айтганда, “тобора ўсиб борувчи”, “кўпаювчи”, деган маънони англатар экан. Демак, маблағингизни Халқ банкининг ушбу омонат турига қўйинг. Кам бўлмайсиз. Сармоянгизга сармоя қўшилади.

Банк Ахборот хизмати.



Ўзбекистонда абитуриентлар учун тест синовларини ўтказиш карантин, санитария-гигиена талабларига қатъий риоя этилган ҳолда амалга оширилади.